

РАҚАМЛИ ЖАМИЯТДА МИЛЛИЙ СЕГМЕНТ ФАОЛИЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Бурханов Х.М. -

Социология фанлари бўйича фан доктори (DSc).

Рақамли жамиятда аҳолининг ахборотга бўлган талабини қондириш, глобал интернет тармоғида миллий сегментни ривожлантириш ва демократик тамойиллар асосида аҳолини деструктив ғоялардан ҳимоя қилиш зарур. Шунинг учун рақамли жамиятда замонавий ахборот технологияларини тез ўрганиш ва замон билан ҳамнафас яшаш лозим. Бу борада Президентимиз таъкидлаганларидек “Тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт».[1]

Мазкур соҳада аҳолини турли бузғунчи ғоялардан асрашга қаратилган ҳаракатлар узоқ тарихга эга, бу борада бир қатор қарашлар ва назариялар бор. Улуғ бобокалонимиз Абу Райҳон Беруний социология назариясини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган. У инсонларнинг ўзаро мулоқот воситаси ҳақида фикр юритган. Хусусан, «Тилларнинг турлича бўлишига сабаб одамларнинг гуруҳларга ажралиб кетиши, бир-биридан узоқ туриши, уларнинг ҳар бирида турли хоҳишларни ифодалаш учун (зарур) бўлган сўзларга эҳтиёж туғилишидир»,[2] деб таъкидлайди. Айни вақтда, инсонларнинг мулоқот воситасига айланиб бораётган интернетни ҳам турли хоҳишларни ифодалаш учун яратилган восита деб аташ мумкин. Инсон доимо мулоқот қилишга интилган, бугунги кунда ҳам жамоалар, давлатлар интернетда мулоқот учун ўз миллий сайтларига эга бўлишлари замон талабидан келиб чиқмоқда.

Умуман олганда, глобал тармоқ ахборот алмашувига асосланган бўлиб дастлаб ахборотларни рақамларда ифодалашга ҳаракат қилинган. Хусусан, Шарқнинг буюк алломалари Ал-Хоразмийнинг «Ал-жабр ва ал-муқобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб» ва «Ҳинд ҳисоби ҳақида китоб» каби асарларида ахборотлар алмашинувидаги ўзига хос хусусиятлар математик жиҳатдан ҳисоб-китоб қилинган.

Интернет тармоғидаги миллий сегментлар ва ахборот хавфсизлигининг методологик асослари М.Кастельс хулосаларига таянилган бўлиб, олим интернет миллий сегментларида жамиятлар ўз иқтисодий манфаатларини оширишга қаратишини асослайди. [3]

Шунингдек, И.А.Шевченко интернетда турли сиёсий ғояларга қарши курашда миллий манфаатларни ҳисобга олиш ва ахборот хавфсизлигига катта эътибор бериш лозимлигини кўрсатади. [4]

Ўзбекистонлик олимлар томонидан олиб борилган ишларда интернет миллий сегментига оид қатор назарий ёндашувлар мавжуд. Масалан, Шарқ кишиси учун индивидуализм ҳамиша ҳалокат, жамоада уйғунлашув эса сокинлик ва беҳавотирлик омили бўлиб келган. Жамоавий хавфсизликни таъминлаш эҳтиёжи Шарқда қадимги даврлардаёқ давлатчилик тизимларини таркиб топтирди.[5] Бу бугунги кунда жамоалар ўз интернет миллий сегментларини яратиш орқали ўз хавфсизлигини таъминлашга қилган ҳаракатларида кўринади.

Социолог олим М.Бекмуродов жамоавий хавфсизликни таъминлаш борасидаги фикрини «Замонавий бошқарув социологияси» номли монографиясида билдирган, бугунги кунда интернет миллий сегменти шаклланишига таъсир этишини аниқ назарий асос сифатида айтиш мумкин.

Айни вақтда миллий сегмент сайтлари ОАВ сифатида ривожланиб бориши «Трансформациялашган матбёт назарияси»га асосан шаклланимоқда. Бугунги кунда ОАВ фаолиятини тубдан ўзгартириш ва такомиллаштириш орқали янги давр – ахборотлашган жамиятга хизмат қилувчи «Трансформациялашган матбёт» тушунилмоқда.

Интернет тармоғида жойлаштирилган маълумотларнинг асосий фойдаланувчилари ёшлар эканлиги, интернет тизими томонидан тақдим этилаётган тезкор алоқа имкониятлари ёшларга мўлжалланган сайтлар жадаллик билан ривожланишига олиб келмоқда. Бундай коммуникатив имкониятлар ёшларнинг интернет имкониятларига ишончини ошириди,

хорижий мамлакатларда истиқомат қилаётган ҳамкорлари, дўстлари, ҳамкасблари, қариндошлари ва издошлари билан сифатли алоқа воситаси ролини бажарди. Шу билан бирга, ёшларнинг муайян қисми интернет тармоғида бўш вақтларини ўтказиши, уларни салбий мазмундаги ахборотлар мажмуаси, демократик жамият ривожланиш тенденцияларига зид бўлган, бузғунчи ғояларни тарқатаётган сайтлар таъсирига тушишига сабаб бўлмоқда. Глобаллашув ва ахборот босими муттасил ошиб бораётган даврда айрим хорижий давлатлар ҳудудида зарарли таъсирга тушган ёшлар фаолиятини тасвирловчи, уларнинг тажовузкорлик, босқинчилик, жиноятчилик, гиёҳвандлик, бузғунчилик фаолиятини ташвиқот қилувчи маълумотларга эга бўлган интернет сайтларининг сони ортиб бормоқда. Интернет тармоғида маънавий бузуқлик ва турли ғаразли мақсадларни, конституцион тизимга қарши, демократик жамият қуриш талабларини инкор этишни тарғиб қилувчи, тинч-осойишта, ижтимоий, иқтисодий турмушни бузишга ундовчи ишлар билан шуғулланаётган интернет сайтлари сони ошиб бормоқда.

Бугунги кунда интернет хавфсизлигини таъминлаш ва унинг салбий таъсирини камайтиришда «Таназиялашган матбуот назарияси»дан («thanatos» юнонча сўз бўлиб, тинч ва осон ўлим, қийноқсиз ва азият чекмасдан ўлиш) келиб чиқиб ёндашиш лозим. Ушбу термин орқали истэмоличилар жамиятини тирик организм сифатида идрок этиб, реал ҳаётни сиёсий, маданий, ижтимоий, ҳуқуқий, диний, тиббий, иқтисодий, ахборот хавфсизлиги омиллари орқали ичдан емирувчи, ахборотлашган жамиятнинг салбий ҳолатидаги «ўлик матбёт» прогнози тушунилади. [6]

Шунингдек, глобал интернет тармоғида миллий сегментни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш ахборот хавфсизлигини таъминлашда муҳим масала эканлигини бир қатор олимлар ўз ишларида таъкидлаб ўтган. Шу билан бирга Г.Ибрагимова илмий ишларида миллий сегмент сайтларни ривожлантириш жараёнида глобал Интернет технологияларнинг роли ва имкониятларини катта эканлигини таъкидлаган. [7] Бу борада Б.Абдулхаев тадқиқот ишларида глобал Интернет ахборот тармоғида тарқатилаётган ахборотларни таҳлили жараёнида, унга тақлид қилишга фойдаланувчиларни берилиб кетиши асосланган. [8]

Юқоридагиларни таҳлил қилган ҳолда айтиш мумкинки, интернет миллий сегменти ўзида аҳоли хоҳишларини, иқтисодий манфаатларини, жамоавий хавфсизликни, ахборот хавфсизлигини мужассамлаштириши ва ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиши лозим. Шунда миллий сегмент тўлақонли назарий асосларга эга бўлади.

Бугунги кунда интернет миллий сегменти сайтларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш муҳим ўринга чиқмоқда. Бу борада Интернет тармоғида миллий сегмент қисмида жойлаштирилган ахборотлардан самарали фойдаланилган ҳолда, ёшларда ахлоқий, маънавий, сиёсий маданиятни шакллантириш орқали баркамол авлодни тарбиялаш янги тараққиёт босқичининг долзараб масалаларидан биридир. Шунинг учун, глобал интернет тармоғида ахборотларни миллий манфаатларимизга мос тарзда жойлаштириш, улар мазмунини миллий ғоя, миллий тараққиёт стратегиясига мос суръатда ривожлантириш мақсадида унинг илмий методологик, ҳуқуқий асослари такомиллаштирилмоқда.

Бугунги кунда фуқаролик жамияти ривожланиши шароитида, Интернет тармоғида миллий сегментни тартибга солиш, такомиллаштириш, уни инновацион, демократик ислохотлар мазмуни, мақсади доирасида ахборотлар мазмуни билан бойитиш, тўлдириш, янгилаш ва ёшларни тажовужкор ғоялардан, улар руҳиятига салбий таъсир кўрсатувчи ахборотлардан асраш вазифаси, унинг инновацион механизмларини яратиш муҳим амалий аҳамият касб этади. [9] Шунинг учун, айрим ёшлар интернет тармоғидаги онлайн азарт ўйинлар орқали бузғунчи ғоялар таъсирига тушаётганлигини ҳисобга олиб, интернет тармоғида онлайн азарт ўйинлар намоиши мониторингини ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади. [10]

Глобал интернет тармоғидаги салбий ахборотлардан ижтимоий гуруҳлар барча вакилларининг фойдаланиши натижасида ғоявий курашлар тизими шаклланди ва барқарор давлатларда ҳам локал урушларни келтириб чиқармоқда. Буларнинг олдини олиш учун аҳолининг демократик тараққиёт мазмунидаги ахборотга бўлган ижтимоий талабини,

истакларини расмий миллий сегмент таркибига кирувчи сайтлар орқали қондириш лозим. Аммо, бизнинг ўтказган илмий тадқиқотимиз натижалари далолат берадики, глобал интернет тармоғи миллий сегментидаги сайтлар мазмуни, жойлаштирилган ахборотларнинг қўлами бу талабга жавоб бермайди.

Демократик ислохотлар жамиятнинг барқарор тараққиёти талабларига мос суръатда, глобал интернет тармоғининг миллий сегментини янада такомиллаштириш, мамлакатимизнинг турли йўналишлардаги замонавий веб-ресурсларни, шу жумладан, аҳолининг, хусусан, ёш авлод вакилларининг фуқаролик жамияти ривожланиши жараёни мазмунидаги, илмий асосланган, ижтимоий, иқтисодий жараёнлар моҳияти, мақсади ва ривожланиш хусусиятларини очиб бера оладиган ахборотларга бўлган, жамият аъзолари интеллектуал талаб-эҳтиёжларини қондириш мақсадида тармоқ ресурсларини, шахс интеллектуал имкониятларини ривожлантириш учун зарур техник ва қулай шарт-шароитларни яратиш вазифаси юкланган.

Янги ривожланиш босқичида глобал интернет тармоғидан тарқатилаётган бузғунчи ғоялар, жаҳолат, радикализм, гиёҳвандлик, таркидунёчилик ва суицидни жамият аъзоларига, ёшлар шуурига, тафаккурига таъсирининг олдини олиш мақсадида турли блогерлар саҳифаларида маълумотларни мониторинг қилиш учун муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Шунингдек, мамлакатда фаолият олиб бораётган глобал интернет тармоғидаги сайтларни оммавий ахборот воситаси сифатида белгилашда муайян ўзгаришларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Ушбу соҳадаги халқаро тажриба тасдиқлайдики, жумладан, блогернинг шахсий блогига бир кунда 3 минг нафардан кўпроқ киши ташриф буюрса, ушбу сайт жамоатчилик фикрига таъсир этиш имкониятига эга бўлади. Шунинг учун ҳам ушбу сайт оммавий ахборот воситаси сифатида эътироф қилинади. Айни вақтда глобал интернет тармоғидаги миллий сайтларни сони ортиб бормоқда.

Юқоридаги илмий таҳлиллар асосида мустақил хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистонда глобал интернет тармоғидаги миллий сайтларни тартибга солиш бўйича қонунчилик жараёнида муайян бўшлиқлар мавжуд.

Ушбу масалада бўшлиқларни тўлдириш учун айрим таклифларни бериш мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонунида «блогер» атамаси блогерликнинг асл моҳиятига зид талқин этилган. Шу муносабат билан таъкидлаш лозимки, ижтимоий тармоқларнинг ҳар қандай фойдаланувчиси «блогер» сифатида эътироф этилмаслиги лозим. Бу борада блогер хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда «блогер» атамасига «Интернет халқаро ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтига ва (ёки) ижтимоий тармоқлардаги ўз веб-сайт саҳифасига (гуруҳига) ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган, ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа хусусиятга эга ахборотни жойлаштирувчи, шу жумладан, ахборотдан фойдаланувчилар томонидан ушбу ахборотни муҳокама қилиш учун жойлаштирувчи жисмоний шахс», деб таъриф бериш мақсадга мувофиқ.

Юқоридаги ахборот тизимини такомиллаштириш жараёнида вужудга келган ижтимоий муаммоларнинг мавжудлиги, жадал суръатларда ривожланиб бораётган, ўзининг янги ривожланиш босқичига кирган рақамли жамиятда инновацион ўзгаришларни ҳисобга олиб, мамлакатда глобал интернет тармоғида миллий сайтларни янада ривожлантириш, такомиллаштириш мақсадида миллий қонунчиликка бир қатор қўшимчалар киритилиши мақсадга мувофиқ.

АДАБИЁТЛАР:

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // <https://uz.uz/posts/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeev-25-01-2020>.
2. Абу Райхон Беруний. Танланган асарлар, 1-том. – Тошкент: Шарқ. 1968. Б - 404.
3. Кастельс М. Галактика Интернет: Размышления об Интернете, бизнесе и обществе. – Екатеринбург: Академия. 2004.

4. Шевченко И.А. Политические интернет-технологии в транс-формирующемся обществе: автореф. дис. .канд. полит. наук. Ставрополь, 2005.
5. Бекмуродов М. Замонавий бошқарув социологияси. Монография. – Тошкент: «Ёшлар». 2020. – Б. 9.
6. Абдуазимов О.У. Ахборотлашган жамиятда жамоатчилик фикри мониторингини таъминлашда оммавий коммуникациялар социологиясининг ўрни (Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг 2001-2016 йиллардаги материаллари мисолида). – Тошкент: «Фан ва технология». 2016.
7. Ибрагимова Г.И. Глобальное информационное пространство в условиях формирования нового мирового порядка: Автореферат. дисс... канд. полит. наук. – Ташкент: УМЭД, 2012. С. 16.
8. Абдулхаев Б.А. Ахборот психологик экспансия миллий хавфсизликка таҳдид сифатида.// Хавфсизлик психологияси илмий-амалий конференция материаллари (2008й 15 март).- Ташкент.,2008.-Б. 251.
9. Бештоков М.В. Компьютерно-интерактивная социальная система как среда социализации Российской молодежи: структура, потенциал и социализационные риски. Автореферат дис. ... канд. социол. наук. Ростов н/д., 2018. – С. 24.
10. Варламова С.Н., Гончарова Е.Р., Соколова И.В. Интернет-зависимость молодежи мегаполисов: критерии и типология // Мониторинг общественного мнения: экономические и социальные перемены. 2015. №2 (125). С. 165-181.

РЕЗЮМЕ:

Демократик ислохотлар жамиятнинг барқарор тараққиёти талабларига мос ҳолатда глобал интернет тармоғидаги миллий сегментни ривожланишини талаб этади. Бу борада мамлакатнинг турли йўналишлардаги замонавий веб-ресурсларни шакллантириш лозим.

Калит сўзлар: интернет, ахборот хавфсизлиги, сайтлар, миллий сегмент, блогер, рақамли жамият.

РЕЗЮМЕ:

Демократические реформы требуют развития национального сегмента глобальной сети Интернет в соответствии с требованиями устойчивого развития общества. В связи с этим необходимо формирование современных веб-ресурсов в разных областях страны.

Ключевые слова: Интернет, информационная безопасность, сайты, национальный сегмент, блогер, цифровое общество.

RESUME:

Democratic reforms require the development of a national segment of the global Internet network in line with the requirements of sustainable development of society. In this regard, it is necessary to form modern web resources in different areas of the country.

Keywords: Internet, information security, sites, national segment, blogger, digital society.